

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Қурултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 1

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш
соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг
2021-2025 йиллардаги фаолияти бўйича ҳисоботи ҳамда касаба
уюшмасининг келгусидаги Устувор вазифалари
тўғрисида**

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин *(1 шлова китоб шаклида)*.

2. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

3. Касаба уюшмасининг келгусидаги Устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин *(2-шлова)*.

4. Касаба уюшмаси ҳудудий бирлашган кўмиталари, туман ва шаҳар кенгашлари мазкур ҳисоботда белгилаб берилган Устувор вазифаларнинг тўла ижросини таъминлаган ҳолда, истиқболдаги аниқ ва мақсадли вазифаларни белгилаб олиш чораларини кўриб борсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назоратини олиб бориш Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига топширилсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг келгусидаги Устувор вазифалари

Республика Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд”, “Ўзбекипаксаноат”, “Ўзчармсаноат”, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмалари, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон “Кўзи ожизлар” ва “Карлар” жамиятлари билан имзоланган тармоқ жамоа келишувлари орқали Касаба уюшмаси фаолиятини давр талаблари асосида ривожлантириш, ҳар бир ходимнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, тармоқда тизимли ислоҳотларни янада мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ва ташкилот аъзолари сонини муттасил ошириш йўлидаги вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

1.1 Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш;

- Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартириш соҳасида олиб борилаётган ишларни эътиборга олган ҳолда йирик трансмиллий компаниялар, қўшма корхоналар, бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотларда ижтимоий шерикчиликни жорий этиш орқали касаба уюшмаси аъзолари сафини кенгайтириш;

- Касаба уюшмаси тизимида кадрлар захирасини шакллантириб, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда раҳбарлик ва ташаббускорлик қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш. Шу билан бирга, гендер тенглиги масаласига жиддий ва тизимли ёндашган ҳолда, сайланма органлар фаолиятида аёллар ва ёшлар иштирокини янада кенгайтириш.

- Касаба уюшмаси аъзолик бадалларини йиғилиши, сарфланиши ҳамда тўғри ва шаффоф йўналтирилиши масалаларида ягона тизимни жорий этиш ва қатъий назоратга олиш. Бунда тафтиш комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш.

- Касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарлари томонидан ижрочилик интизомига риоя этилишига, касаба уюшмаси Устави талаблари бажарилишига, ҳамда коллегиял органлар қарорлари ижроси таъминланишига асосий эътиборни қаратиш;

- Хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, ҳамда касаба уюшмаси аъзо бўлган “UNI Global Union”, “StreetNet International” халқаро касаба уюшмалари билан конструктив ҳамкорликни давом эттириш ва касаба уюшмалари орасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишларини ривожлантириш.

1.2 Мехнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш;

- Ходимлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий кафолатларни шакллантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар доирасида муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва бу тамойилларни амалиётга самарали жорий этиш;

- Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни институционал даражада ривожлантириб, касаба уюшмаси билан иш берувчилар ва давлат органлари ўртасидаги келишувлар механизмини самарали ташкил этиш жараёнларини янги босқичга чиқариш ҳамда жамоавий меҳнат низоларини музокара йўли билан ҳал этиш;

- Паритет ташкилотлар билан тузилган тармоқ жамоа келишувлари асосида икки томонлама комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш;

- Жамоа келишувлари ва шартномалари қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериб, барча босқичдаги музокараларда касаба уюшма кўмиталари манфаатларини профессионал ва тизимли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- Истеъмол нархлари динамикасига мос равишда иш ҳақи ва компенсацияларни индексация қилиш меъёрларини жамоа келишувларига кенгрок татбиқ этиш, шу билан бирга, тизимдаги корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашда камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик устидан назоратни янада кучайтириш;

- Хусусий секторда ўрин топган норасмий бандликда банд бўлган меҳнат ресурсларини расмий меҳнат муносабатларига интеграция қилинишига кўмаклашиш.

1.3 Меҳнат муҳофазаси йўналишида

- Халқаро ва миллий меҳнат стандартларини, айниқса Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари талаблари асосида меҳнат муҳофазасига оид масалаларни иш берувчилар ва касаба уюшмаси билан маслаҳатлашувлар асосида ҳал қилиш тизимини ривожлантириш;

- Тармоққа аъзо корхона ва ташкилотларда муносиб меҳнат шароитларининг зарурий шарти сифатида экологик ва биологик хавф-хатар муаммоларининг ҳал этилиши, ишловчилар соғлигига зарар етказилиши, жароҳатланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари олдини олиш, ижтимоий заиф қатлам, аёллар ва ёшлар учун меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган гендер аудити амалиётини кенгайтириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижросининг мунтазам назоратини таъминлаб бориш;

- Меҳнат муҳофазаси тадбирларини тўлиқ молиялаштириш ҳамда ходимларни белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини кучайтириш, махсус кийим-бош, пойабзал ва якка ҳимоя воситалари билан бепул таъминлаш, бунга ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, иш ўринларини меҳнат шароити ва хавфсизлик жиҳатдан аттестациядан ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш ҳамда бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланганларга зарар тўловларининг қопланиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- Тармоқдаги меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари ва вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, махсус курсларга жалб этиш, шунингдек, корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича амалий-услубий маслаҳат хизматини ривожлантириш ҳамда жамоатчилик назоратини олиб

бориш орқали меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

1.4 Ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш йўналишида;

- Миллий ва халқаро касаба уюшмаларининг илғор тажрибасини ўрганиб, меҳнат ҳуқуқи масалаларини амалиётда қўллаш, халқаро бирдамлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш асносида норасмий ва ҳимояланмаган меҳнатга чек қўйилишини таъминлашга кўмаклашиш;

- Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этиш, меҳнат низолари жараёнларида судларда касаба уюшмаси аъзолари манфаатини ҳимоя қилиш;

- Касаба уюшмаси аъзоларига масофавий ҳуқуқий маслаҳат бериш тизимини яратиш ва низоларни судгача ҳал этиш (медиация) ишларини йўлга қўйиш;

- Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенцияларига асосан халқаро касаба уюшмалари билан ҳуқуқий тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш.

1.5 Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва ёшлар сиёсати йўналиши;

- Корхона ва ташкилотларда миллий ғояга мувофиқ, инсон капиталини мустаҳкамлашда касаба уюшмалари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ишлари кучайтириш;

- Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус” дастури ижросини таъминлаш ва ушбу ташаббуслар орқали ёшлар ҳамда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Ишловчи ёшлар ва таълим муассасалари талабалари ўртасидаги салбий ҳолатларни, жумладан, келажакка ишончсизлик кайфиятининг олдини олиш, уларда меҳнатга нисбатан масъулият туйғусини мустаҳкамлаш;

- Касаба уюшмасида ёшларнинг фаоллигини ошириш бўйича мақсадли дастурлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

- Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, жамоаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида ички туризмни рағбатлантириш йўналишида фаол иштирок этиш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 2

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси ҳисоботи
тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси V Курултойи **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 3

Тошкент ш.

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2025-2030
йилларга мўлжалланган Стратегияси тўғрисида

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши фаолиятининг 2025-2030
йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари тасдиқлансин *(шлова
қилинади)*.

2. Касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент
шаҳар бирлашган кўмиталари, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари кенгашлари:

- йиллик иш режалари касаба уюшмаси Республика Кенгаши
фаолиятининг стратегик йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш бўйича
чора-тадбирлар режаларидан келиб чиққан ҳолда тузилишини, уларда аниқ
муддатли ва манзилли вазифалар белгиланишини ҳамда бажарилишини
таъминласин;

- белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилиб коллегиял органлар
йиғилишларида мунтазам равишда кўриб борсин;

- стратегик йўналишларни тизимдаги ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ва
бошланғич ташкилотларига етказсин;

- қуйи касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини стратегик
йўналишларда белгиланган вазифаларни бажарилишига йўналтирсин ва
мувофиқлаштириб борсин, уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари

I. Кириш

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши ва муносиб меҳнат тамойиллари таркиб топиши мамлакат ривожланишининг зарурий шарти эканини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб ўз фаолиятининг келгуси беш йилга мўлжалланган мазкур Стратегик йўналишларини эълон қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга ҳаракат қилинади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, гендер аудитни ўтказиш, юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш борасидаги касаба уюшмаси фаолияти янада такомиллаштирилади.

“Ўзбекистон 2030” ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурлари ижросида фаол иштирок этади. Касаба уюшмасининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Касаба уюшмаси Уставида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида, куйидагилар, касаба уюшмасининг 2026-2030 йиллар мобайнидаги асосий йўналишлари этиб белгиланади.

II. Касаба уюшмасини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ижрочилик интизомига риоя этиш

Касаба уюшмаси Республика Кенгаши, ҳудудий бирлашган қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ҳамда ҳаракат бирлигини таъминлаш касаба уюшмасини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг асосий шартлардан бири бўлиб қолади.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги норасмий иқтисодий кўламини қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда хусусий сектордаги корхона ва ташкилотлар ходимларини

тармоқ касаба уюшмасига жалб этиш энг муҳим устувор йўналишлардан биридир.

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш соҳасидаги ишлар самарасини оширишда ҳудудий бўлинмаларга доимий равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб боради. Тармоқда “Касаба уюшмалари картаси”га қатъий амал қилинишини назорат қилади.

Касаба уюшмаси Устави талабларини тўғри йўналтирилишида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади.

Касаба уюшмалари ўқуви тизимини такомиллаштириш мақсадида мустақил малака ошириш (масофавий таълим) тизими кўламини ошириш чоралари кўриб борилади. Шунингдек кадрлар захирасини шакллантириш, захирага киритилганларни билим ва касбий кўникмаларидан келиб чиқиб, раҳбарлик лавозимларига тавсия этишга асосланган сиёсатни изчиллик билан давом эттирилади.

Касаба уюшмаси органларига ходимларни ишга олиш даврида коррупция, таниш-билишчилик ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми жорий этилади.

III. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда касаба уюшмасининг иштироки

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг муносиб меҳнат ва ижтимоий адолат тамойилларини илгари сурувчи ижтимоий-иқтисодий сиёсат шаклланишига қаратилган ҳар қандай ташаббусларини, ҳар бир фуқаронинг юксак турмуш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилган, экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги мақсадларини, солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар адолатли, прогрессив ва манзилли бўлишини таъминлаш, иқтисодиётнинг стратегик жиҳатдан муҳим, етакчи тармоқларини давлат назорати остида қолдириш, хусусийлаштириш жараёни ижтимоий масъулият билан уйғун ҳолда олиб борилишига, ижтимоий инфратузилма объектларининг профили сақлаб қолинишига эришиш, коррупция, непотизм ва манфаатлар тўқнашуви каби иллатлар билан муросасиз кураш олиб бориш масалаларидаги ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаб боради.

IV. Меҳнат соҳасига ва касаба уюшмаси фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда иштирок этиш ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш йўналиши

Тармоқ касаба уюшмаси, Федерациянинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига касаба уюшмалари ва унинг аъзоларига бўлган кафолатларни кенгайтириш мақсадида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, келгусида ҳам ижарага олинган меҳнат қонунан тақиқланишини ёқлаш тўғрисидаги ҳамда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари барча фуқароларга, шу жумладан, мардикорлар, ўзини ўзи банд қилганлар, аутсорсинг, аутстаффинг, фриланс шартларида ишлаётган ходимлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий,

масофавий, платформалик ва беқарор бандликнинг бошқа кўринишларида банд бўлганларга нисбатан татбиқ этилиши бўйича ҳар қандай норма ижодкорлиги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказишда касаба уюшмаларининг иштироки таъминланишига, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини чекловчи ёхуд уларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги тавсиялар ва сўровномалар киритилишига эришади.

Касаба уюшмаларининг илғор миллий ва халқаро тажрибасини ўрганиш асносида уларни амалиётга кенг татбиқ этиш, халқаро бирдамлик ҳаракатларини қўллаб қувватлаш ва ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида норасмий ва ҳимояланмаган меҳнатга чек қўйилишини таъминлашга кўмаклашади.

Янги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий меҳнат соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этиб, меҳнат низоларини ҳал этишда судларда аъзолар манфаатини ҳимоя қилади. Шунингдек касаба уюшмалари аъзоларига масофавий ҳуқуқий маслаҳат бериш тизимини яратиб, низоларни судгача ҳал этиш (медиация) ишларини кенгайтиради.

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига асосан халқаро касаба уюшмалари билан ҳуқуқий тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилади.

Иш берувчилар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмаси жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, ушбу йўналишда илғор тажрибани умумлаштириш ҳамда кенг ёйиш ишларини давом эттиради.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига аъзо ёки аъзо эмаслигидан қатъий назар, уларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда касаба уюшмаси инспекцияси ишини ривожлантиради ҳамда инспекциялар прокуратура органлари, давлат назорати (текшируви)нинг бошқа органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқиндан ҳамкорлигини таъминлайди.

Касаба уюшмаси инспекциялари юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларда келтирилган вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларига биринчи галдаги эътиборни қаратади.

Меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш, муносиб ва бехатар меҳнат шароитларига эга бўлиш, ишсизликдан ҳимоя қилинишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши, барча жойларда қонун устуворлигини қарор топтириш ва иш ўринларида талаб этиладиган санитар-гигиеник шароитлар яратилиши чоралари ўз вақтида кўриб боради.

Инспекцияларнинг ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки

соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни адолатли қопланиши борасидаги ҳуқуқларини амалга оширилишига интилади.

V. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни Ривожлантириш

Республика Кенгаши мамлакат ривожланишининг муносиб меҳнат ғоясига асосланган янги моделини шакллантиришда икки томонлама ижтимоий мулоқотнинг ҳал қилувчи ролини таъкидлаган ҳолда ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотнинг энг яхши амалиётини ўрганиш ва кенг ёйиш, жамоа келишувлари ва шартномалари билан меҳнаткашларнинг кенг қатламлари қамраб олинишига эришиш, жамоавий меҳнат низоларини маърифий йўл билан ҳал этиш ишлари давом эттиради.

Касаба уюшмалари ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ икки томонлама комиссиялар ишини жонлантириш билан бир қаторда, Федерациянинг ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияларнинг мақомини янада кўтариш мақсадида унинг таркибида асосий ишидан озод қилинган раис ва аппарат ходимлари учун штат бирликларини жорий этиш бўйича таклифларини қўллаб-қувватлайди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотларда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни шакллантиришга ва уларнинг ишини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, тармоқ кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, платформа иқтисодиёти субъектлари, шунингдек мавсумий меҳнат жамоаларида жамоа музокараларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади.

Ташкилотларда касаба уюшмасига бўлиши мумкин бўлган босимнинг ҳар қандай шаклларига, айрим давлат бошқаруви органлари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклик қўламини пасайтириш истагига қарши туради.

Трансмиллий корпорациялар ва компаниялар билан ижтимоий мулоқотни ривожлантириш касаба уюшмаси фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади. Ушбу мақомдаги корхоналарда ижтимоий-меҳнат соҳасидаги миллий қонунчилик бузилишининг олдини олиш, касаба уюшмаси ташкилотларини ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш, жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш мақсадида касаба уюшмаси Тармоқ жамоа келишувларига, давлат ва хорижий инвесторлар ўртасидаги шартномаларга тегишли қоидаларни киритишга ҳаракат қилиб, миллий қонунчиликка риоя этилишини тарғиб қилади.

Касаба уюшмалари ижтимоий шериклик самарадорлигини муттасил ошириб боришни ёқлаб чиқади, бунинг учун барча жамоа келишувлари ва шартномаларининг лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши, ягона музокара жараёни қоидаларига биноан тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг кетма-кетлигига қатъий риоя этилиши учун зарур чораларни кўради.

VI. Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси ишларини ташкил этиш

Касаба уюшмаси лозим даражадаги хавфсиз меҳнат шароитлари яратилмаган иш ўринлари мавжудлигини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омилларидан ҳоли, муносиб меҳнат шароитларига эга, жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш эҳтимолини, табиий атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтирувчи **“яшил иш ўринлари” яратилишига кўмаклашади.**

Касаба уюшмаси корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш, сунъий интеллектнинг ходимлар саломатлигига, иш ўринларидаги хавфсизликка таъсири, биологик хавф-хатарни ишлаб чиқариш муҳитига таъсири, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари бугунги кун талабидан ортда қолаётганини тан олади.

Мазкур соҳадаги аҳволни яхшилаш учун меҳнат муҳофазаси ва гигиенасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан самарали жамоатчилик ишлари назоратини давом этади.

Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси хизматини ташкил этиш ва уни кадрлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўради.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, “яшил” иқтисодиётга ўтишда, “яшил” иш ўринлари яратиш, сунъий интеллектнинг ходимлар саломатлигига, иш ўринларидаги хавфсизликка таъсири, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш превентив тадбирларини белгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида, хорижий ва халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларини давом эттиради.

Касаба уюшмаси республикада экологик вазият, биологик хавф-хатар, сунъий интеллектнинг иш ўринларига таъсири, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, ходимлар саломатлиги маданиятини ошириш йўналишида касаба уюшмаси фаолияти доирасидаги ишлар аҳволини таҳлил қилиб боришни таъминлайди.

VII. Ходимлар маънавиятини юксалтириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан қамраб олиш ҳамда соғломлаштириш

Касаба уюшмаси жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, дам олдириш ва соғломлаштиришда фаол иштирок этади.

Аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари маданий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига, халқ ҳаваскорлик ижодиёти ва оммавий жисмоний тарбия ҳаракати ривожланишига катта эътибор қаратади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш ҳамда соғломлаштириш, шунингдек, экологик, тиббий ва зиёрат туризмни ривожлантириш чораларини кўради. Тизимдаги аъзо ташкилотларда “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ички туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этади.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ишловчиларни “ходимлар гимнастикаси”га, спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ўтказишга кенг жалб қилиш ишлари амалга оширади.

Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида иштирок этиб, ёш авлодни тарбиялаш йўлида ўсмирлар ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб қилиш ва бунинг учун муносиб шароитларни яратиб боради.

Соҳа ходимлари иштирокида, хусусан, корхона ва ташкилотларнинг ўзида миллий ғоя, маънавият ва маданиятни юксалтириш масалаларида, турли маданий ва спорт тадбирлари, спартакиадалар, фестиваллар, ҳунармандлар билан биргаликда халқ ижодиёти кўргазмаларини ташкил этиб, бу билан инсон капиталини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга касаба уюшмалари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ишларини кучайтиради.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус” дастури ижросини таъминлайди ва ушбу ташаббуслар орқали ёшлар ҳамда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади.

Ишловчи ёшлар ва таълим муассасалари талабалари ўртасидаги салбий ҳолатларни, жумладан, келажакка ишончсизлик кайфиятининг олдини олиш, уларда меҳнатга нисбатан ҳурмат ва миннатдорлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида маданий маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга оширади.

VIII. Тизимда молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Тармоқ касаба уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига касаба уюшмалари бюджетига алоқадор бўлган меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифларни киритиб боради.

Касаба уюшмаси аъзолик бадалларини йиғилиши, сарфланиши ҳамда тўғри ва шаффоф йўналтирилиши масалаларида ягона тизимни жорий этади ва қатъий назоратга олади. Бунда тафтиш комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширади.

Касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарлари томонидан молиявий ижрочилик интизомига қатъий риоя этилишига, касаба уюшмаси Устави талаблари бажарилишига, ҳамда коллегиял органлар қарорлари ижроси таъминланишига асосий эътиборни қаратиб, бошланғич ташкилотлар томонидан сарф харажатлар сметаларига мувофиқ маблағларни йўналтирилиши назоратини кучайтиради.

IX. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, фаолият йўналишларида амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни хабардор этиш

Касаба уюшмаси жамоатчилик ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш орқали мамлакатимиз жамоатчилик фикрида касаба

уюшмасини меҳнаткашлар манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи ташкилот сифатидаги ижобий имиджини янада мустаҳкамлайди.

Мавжуд босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан, ижтимоий тармоқларни қўллаган ҳолда муносиб меҳнат қадриятларини ҳимоя қилади, ишчи инсон ҳурматини ҳар томонлама тарғиб этади.

Меҳнаткашлар билан интерактив мулоқот ўрнатиш мақсадида энг оммавий ижтимоий тармоқларда, Республика Кенгашининг расмий веб-сайтида ёшларга тааллуқли интернет аудитория билан ишлашни йўлга қўяди.

Тармоқ касаба уюшмаси фаолиятини замонавий ахборот коммуникацияси талаблари асосида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда турли мулоқот ва ахборот платформалари орқали тизимли ва мақсадли равишда ёритиб боради.

Кенг жамоатчилик орасида касаба уюшмаларининг ҳақиқий мақсади, фаолият йўналишлари, жамият ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий аҳамияти тўғрисида холис, аниқ ва ижобий тасаввурларни шакллантириш ҳамда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг замонавий имижини ва таъсир доирасини янги қиёфада мустаҳкамлашни тарғиб қилади.

Рақамли технологиялар асосида тайёрланаётган инфографика, видеолар, фотоҳисоботлар ва жонли эфирлар орқали маълумотларни визуал ва таъсирчан шаклда тақдим этади.

Х. Халқаро фаолият ва ҳамкорлик

Касаба уюшмаси фаолиятнинг барча йўналишларида хорижий давлатлар ва миллий турдош касаба уюшмалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташкил этиладиган тадбирлар ва лойиҳаларда мунтазам иштирок этиш ишларини давом эттиради.

Халқаро касаба уюшмалари билан икки томонлама ўрнатилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ҳамда касаба уюшмаси аъзо бўлган “UNI Global Union” ва “StreetNet International” ташкилотлари билан конструктив алоқаларни мустаҳкамлаш ва касаба уюшмалари орасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ишларини ривожлантиради.

Норасмий ва ўзини ўзи банд қилган меҳнаткашлар ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадамлар босилганлигини эътиборга олиб, ушбу сегментдаги фуқаролар манфаатларини халқаро платформаларда ифода этиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат хавфсизлиги ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш бўйича имкониятларини янада кенгайтиради.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 4

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар
кiritиш тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Курултойи **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар
тасдиқлансин (*илова қилинади*).

2. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитасига, касаба
уюшмаси Уставини белгиланган тартиб ва муддатда Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказиш топширилсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 5

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисини сайлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Курултойи қарор қилади:

1. Мухамедов Улуғбек Зиёдуллаевич Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес
ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши
раиси этиб сайлансин.

**2. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси билан меҳнат
шартномасини Курултой номидан имзолаш ваколати делегат Шамуратова
Гулзира Кумекбаевнага берилсин.**

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Қурултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 6

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосарини
сайлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Қурултойи **қарор қилади:**

1. Кадиров Шавкатжон Жумабоевич Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес
ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши
раиси ўринбосари этиб сайлансин.

**2. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари билан меҳнат
шартномасини имзолаш ваколати Республика Кенгаши раиси Мухамедов
Улугбек Зиёдуллаевичга берилсин.**

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Қурултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 7

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аъзоларини сайлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши таркиби 45 (қирқ беш) нафар
этиб белгилансин.

2. Белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ тармоқ касаба уюшмаси
худудий бўлинмаларининг Конференцияларида касаба уюшмаси Республика
Кенгаши таркибига вакил этиб сайланганларнинг ваколати тасдиқлансин
(1-шлова).

3. Тармоқ касаба уюшмаси Уставининг 10.4.1 бандига мувофиқ касаба
уюшмаси Республика Кенгаши раиси ва раис ўринбосари лавозимларига кўра
Республика Кенгаши аъзолари ҳисобланиши инобатга олинсин.

4. Рўйхатда номлари келтирилганлар Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес
ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши
аъзолари этиб сайлансин (2-шлова).

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

**Тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий бўлинмаларининг
конференцияларида касаба уюшмаси Республика Кенгаши
таркибига вакил этиб сайланганларнинг**

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
Қорақалпоғистон Республикасидан		
1.	Бекманова Қалжан Ембергеновна	Қорақалпоғистон Республикаси бирлашган қўмитаси раиси
2.	Худайбергандов Шерзод Розимбоевич	“Нукус деҳқон бозори” акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси
Андижон вилоятидан		
3.	Ахмедов Ботиржон Равшанович	Қўқон давлат университети Андижон филиалининг, ёшлар ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, касаба уюшмаси қўмитаси раиси
4.	Зулунов Бахтиёр Якубович	Андижон вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Бухоро вилоятидан		
5.	Райимов Сохибжон Собирович	“Olot Naj Teks” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси
6.	Тангриев Ўктамжон Зиядуллаевич	Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Жиззах вилоятидан		
7.	Бекмуродова Садоқат Анарқуловна	Жиззах вилояти “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” касаба уюшмаси қўмитаси раиси
8.	Кулбаев Мамадали Пўлатович	Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Қашқадарё вилоятидан

9. Бобоев
Авазмурод
Муқимович “Индорама Агро” ХИИК масъулияти
чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси
раиси
10. Қаришиева
Сурайё
Сайибназар қизи “Бинокор Азизбек Эко” масъулияти чекланган
жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси
11. Омонов
Илхом
Фармонович Қашқадарё вилояти бирлашган кўмитаси
раиси

Наманган вилоятидан

12. Бўронова
Моҳидил
Хусанбой қизи “Asmus Gold Mega Textil” масъулияти
чекланган жамияти ишчиси
13. Жумабоев
Равшанбек
Турдибоевич “Чорток Минерал Ватер” масъулияти
чекланган жамияти цех бошлиғи
14. Мавлонов
Қодир
Турдибоевич Наманган вилояти бирлашган кўмитаси раиси

Навоий вилоятидан

15. Нуруллаев
Жаҳонгир
Баходирович “Gidro Stanko Servis” масъулияти чекланган
жамияти бош ҳисобчиси, касаба уюшмаси
кўмитаси раиси
16. Юлдашев
Тоир
Аслиддинович Навоий вилояти бирлашган кўмитаси раиси

Самарқанд вилоятидан

17. Алиев
Бобиржон
Маматович Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси
раиси
18. Хамракулов
Шухрат
Мурадович “Ислом Каримов ёдгорлик комплексларини
сақлаш департаменти” агрономи
19. Хайитов
Нематилло
Хаккулович “Каттакўрғон-парранда” масъулияти
чекланган жамияти касаба уюшмаси
кўмитаси раиси

Сурхондарё вилоятидан

20. Курбанов
Руслан
Раимбердиевич
Вилоят “Тоза ҳудуд” давлат корхонаси касаба
уюшмаси қўмитаси раиси
21. Қўзимуродов
Ҳамид
Амантурдиевич
Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси
раиси

Сирдарё вилоятидан

22. Хасанова
Матлюба
Нуриддиновна
“Сирдарё Мега люкс” масъулияти чекланган
жамиятининг ходимлар бўлими мутахассиси
23. Эгамбердиев
Носиржон
Махмудович
Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти
бўйича масъул ташкилотчиси

Фарғона вилоятидан

24. Абдуллаева
Муқаддасхон
Эркинаевна
Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси
25. Дадабоев
Лазизхон
Мухамедович
“Индорама Коканд Текстиль” ҚК масъулияти
чекланган жамияти катта ҳисобчиси
26. Умарова
Мунаввар
Сайдазимовна
Фарғона шаҳар “Ободонлаштириш
бошқармаси” касаба уюшмаси қўмитаси
раиси

Хоразм вилоятидан

27. Искандарова
Санобар
Раимбергановна
“Урганч Бахмал” масъулияти чекланган
жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси
28. Сапаева
Муқаддас
Бахтияровна
“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
жамияти” матбуот ва ахборот шўбаси
мутахассиси, касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
29. Саидов
Махсуд
Ортиқович
Хоразм вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Тошкент вилоятидан

30. Гумирова
Зульфия
Абдуманнаповна
Касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси

31. Мирзаев
Баходир
Нағматович Республика Кенгашининг Тошкент вилояти
бўйича маъсул ташкилотчиси
32. Саидов
Жахонгир
Набиевич Касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши
раиси
33. Юлдашов
Абдухашим
Кудратович Касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши
раиси
34. Юлдошев
Баходир
Исамович “Ангрен шакар” масъулияти чекланган
жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Тошкент шаҳридан

35. Исмаилова
Дилфуза
Қурбановна Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси
36. Тен
Людмила
Анатольевна “Ўрикзор бозори” касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
37. Хушвақтов
Абдужаббор
Давронович Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат
институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси
38. Шамсиев
Нигман
Нигматович “Тошкент шаҳар сув таъминоти” масъулияти
чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
39. Шотурсунова
Зилола
Миракмаловна “Ўзчармсаноат” уюшмасининг хужжатлар
билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари қасаба уюшмаси V Қурултойида Кенгаш
таркибига тавсия этилаётганлар**

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
Республика Кенгаши		
1.	Нусратов Шухрат Тухфатович	Республика Кенгаши раисининг маслахатчиси
2.	Мамасодиқов Асроржон Ўктамжон ўғли	Республика Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслахатчиси
3.	Сайфуллаев Садриддин Жўраевич	Республика Кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси
4.	Джурабаев Жасур Илхамович	Республика Кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Қурултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси
аъзоларини сайлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.5 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси таркиби 13
(ўн уч) нафардан иборат этиб белгилансин.

2. Рўйхатда номлари келтирилганлар Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва
хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши
Ижроия қўмитаси аъзолари этиб сайлансин (*Илова қилинади*).

3. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари
сони ва таркибига ўзгартириш киритиш ваколати Ўзбекистон Тадбиркорлик,
бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика
Кенгашига берилсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия
қўмитаси аъзолари

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О.	Лавозими
Республика Кенгашидан		
1	Мухамедов Улуғбек Зиёдуллаевич	Республика Кенгаши раиси
2	Кадиров Шавкат Жумабоевич	Республика Кенгаши раиси ўринбосари
Андижон вилоятидан		
3	Ахмедов Ботиржон Равшанович	Кўқон университети Андижон филиалининг, ёшлар ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори
Навоий вилоятидан		
4	Юлдошев Тоир Аслиддинович	Касаба уюшмаси Навоий вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Жиззах вилоятидан		
5	Кулбаев Мамадали Пўлатович	Касаба уюшмаси Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Сирдарё вилоятидан		
6	Эгамбердиев Носиржон Махмудович	Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси
Наманган вилоятидан		
7	Мавлонов Қодир Турдибоевич	Касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Самарқанд вилоятидан		
8	Алиев Бобуржон Маматович	Касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Қашқадарё вилоятидан		
9	Қаршиева Сурайё Сайибназар қизи	“Бинокор Азизбек Эко” МЧЖ бўлим бошлиғи, касаба уюшмаси қўмитаси раиси
Фарғона вилоятидан		
10	Абдуллаева Мукаддас Эркинаевна	Касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Хоразм вилоятидан	
11	Саидов Махсуд Ортиқович
	Қасаба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган қўмитаси раиси
Тошкент вилоятидан	
12	Юлдашов Абдухашим Қудратович
	Қасаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши раиси
Тошкент шаҳридан	
13	Шотурсунова Зилола Мирақмаловна
	“Ўзчармсаноат” уюшмаси, махфий ҳужжатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Қурултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 9

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси таркиби 7 кишидан иборат
этиб белгилансин.

2. Рўйхатда номлари келтирилганлар Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес
ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси
аъзолари этиб сайлансин (*шлова қилинади*).

3. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссиясига:

3.1. Ўз фаолиятида “Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат
кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси
тўғрисида”ги Низомга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

3.2. Касаба уюшмаси органларида ижрочилик интизомига қатъий риоя
этилишини назоратга олиш;

3.3. Иш режасига мувофиқ касаба уюшмалари маблағларининг тўғри ва
шаффоф сарфланиши ва мақсадли ишлатилиши бўйича мунтазам равишда
ўрганишлар олиб бориш;

3.4. Касаба уюшмалари ташкилотлари Тафтиш комиссиялари фаолиятини
тўғри йўлга қўйиш. Тафтиш, текширув ва ўрганишлар жараёнида уларга амалий
ёрдам кўрсатиб бориш, тафтиш комиссияси аъзолари учун мунтазам равишда
ўқув-семинарларини ўтказиш;

3.5. Ўз ваколати доирасида, ўрганиш ва таҳлиллар натижалари бўйича касаба уюшмаси ташкилотларига аниқланган камчиликлар ва хатоликлар бўйича тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш юклатилсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

*V Қурултойнинг
2025 йил 9 августдаги
V-8 сонли қарорига
Илова*

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси аъзолигига тавсия
этилаётган номзодлар**

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1.	Исмаилов Закир Халтажиевич	Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси бош ҳисобчиси
2.	Пирадинова Зулфия Сададдиновна	Хоразм вилояти “Хоразм Тех” масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси
3.	Садуллоева Майсара Мардоновна	Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси бош ҳисобчиси
4.	Сайдуллаев Пазлиддин Жўрабаевич	Наманган вилояти бирлашган қўмитаси бош ҳисобчиси
5.	Эшмуродова Навбахор Насирдиновна	Навоий вилояти “Zarafshon Golden Group” масъулияти чекланган жамияти ҳисобчиси
6.	Файзибаев Жахонгир Нормаатович	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар кенгаши раиси
7.	Якуббаева Шахзода Шухратовна	Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси мутахассиси

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 10

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш комиссияси раисини сайлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.3 бандига мувофиқ касаба уюшмаси
V Курултойи қарор қилади:

1. Сайдуллаев Пазлиддин Жўрабаевич Ўзбекистон Тадбиркорлик,
бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тафтиш
комиссияси раиси этиб сайлансин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 11

Тошкент ш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгаши
таркибига вакилларни сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 10.2 бандига мувофиқ V Курултой
қарор қилади:

1. Қуйидагилар, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош Кенгаши таркибига, вакил этиб сайлансин.

1. Мухамедов Улуғбек Зиёдуллаевич - Республика Кенгаши раиси;
2. Бўронова Моҳидил Хусанбой қизи - Республика Кенгаши аъзоси.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

**Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси**

V Курултойи

Қ А Р О Р И

2025 йил 9 август

№ V - 12

Тошкент ш.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Курултойига
делегатларни сайлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси V Курултойи қарор қилади:

1. Рўйхатда номлари келтирилганлар Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг IX Курултойига делегат этиб сайлансин *(илова қилинади)*.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов

V Қурултойнинг
2025 йил 9 августдаги
V-11 сонли қарорига
Илова

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг
IX Қурултойи делегатлигига номзодлар**

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О	Иш жойи ва лавозими
1.	Вахабов Даврон Абдужалолович	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
2.	_____	Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси
3.	Ахмедов Ботиржон Равшанович	Қўқон давлат университети Андижон филиалининг, ёшлар ва маънавий- маърифий ишлари бўйича проректори, қасаба уюшмаси кўмитаси раиси
4.	Ахмедов Шухрат Таирович	қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Жиззах вилояти “Uz-Turk Charm” масъулияти чекланган жамияти қасаба уюшмаси кўмитаси раиси
5.	Бегимов Обиджон Одилович	Қашқадарё вилояти “Хунарманд” уюшмасининг ходимлар ва ижро интизоми бўйича мутахассиси
6.	Бўронова Моҳидил Хусанбой қизи	Наманган вилояти “Asmus Gold Mega Textil” масъулияти чекланган жамияти ишчиси
7.	Тангриев Ўктамжон Зиядуллаевич	Бухоро вилояти бирлашган кўмитаси раиси

8. Тен
Людмила
Анатольевна
Тошкент шаҳар “Ўрикзор бозори”
масъулияти чекланган жамияти касаба
уюшмаси қўмитаси раиси
9. Худайбергандов
Шерзод
Розимбоевич
Қорақалпоғистон Республикаси “Нукус
деҳқон бозори” акциядорлик жамияти
бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
10. Умарова
Мунаввар
Сайдазимовна
Фарғона шаҳар “Ободонлаштириш
бошқармаси” касаба уюшмаси қўмитаси
раиси
11. Ҳошимов
Зафар
Комилович
“Anglesey Food” масъулияти чекланган
жамияти директори
12. Ходжаев
Батыр
Эркинович
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг “Саёхат - Сари”
меҳмонхонаси раҳбари
13. Шарипов
Шавкат
Ўктамович
Самарқанд шаҳар “Шарқ-Саноат”
концерни таъсисчиси
14. Шомуратова
Ойгул
Жабборовна
Сурхондарё вилояти, Термиз туман
“Ободонлаштириш бошқармаси” ишчиси
“Дўстлик” ордени соҳибаси
15. Эшмуродова
Навбахор
Насирдиновна
Навоий вилояти “Zarafshon Golden
Group” масъулияти чекланган жамияти
касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси

V Курултойи

Қ А Р О И

2025 йил 9 август

№ V - 13

Тошкент ш.

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси V Курултойи делегатлари ваколатларини
сақлаб қолиш тўғрисида

Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси V Курултойи **қарор** қилади:

1. Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси V Курултойи делегатларининг ваколатлари сақлаб
қолинсин.

Раислик қилувчи:



У.Мухамедов